

Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 3-СЕНТАБР, SESHANBA, 107 (8188)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Баҳоסי келишилган нархда.



— Фермерлик туйфайли бугун қишлоқда обрўйимиз, ўрнимиз бор, оиламиз тўқ, рўзгоримиз бут, — дейди Оҳангарон туманидаги «Ҳожиакбар» фермер хўжалиги раҳбари Акбар Мунавваров. — Мулк ўзимизники бўлгач, хўжаликнинг ташвишлари, шартномалар тузиш, маҳсулотни кимга сотиш — ҳаммасини ўзимиз ҳал қиламиз.



Ширмонбулоқ қишлоғининг таърифни эшитмаган юртдошларимиз бўлмаса керак. Қишлоқ табиати шу қадар гўзал ва сўлимки, баҳордан то кеч кузгача меҳмонлар билан гавжум бўлади. Ушбу қишлоқ одамларининг меҳнатда, бунёдкорликда ва маънавий ҳаётда пешқадам эканликларига ҳавас қилгувчилар бисёр.



Термиз ҳайвонот боғини табиатнинг жонли музейи десак муболага бўлмайди. Ушбу масканда ҳозирда 141 турдаги 382 та жонивор ва паррандалар мавжуд. Боғидаги жонотларнинг қарийб 80 фоизи халқро ва республикамиз «Қизил китоб»га киритилган.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов номига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан хорижий давлат ва ҳукуматлар, халқро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан, сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Мазкур қутловларда самимий муборакбод сўзлари изҳор этилган бўлиб, Юртбошимизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилаклар йўлланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун йўллаган табрик мактубида шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийлариغا

Жаноби Олийлари! Мустақиллик кунини муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг самимий қутловларимни изҳор қилиш менга катта мамнуният бахш этади. Ҳар бир мамлакат ўз маданияти, тарихи ва эришган ютуқлари билан беназирдир. Айни пайтда жаҳон мамлакатлари ўзаро узвий ва муштарак ришталар билан боғланган. БМТга аъзо барча давлатлар, уларнинг катта-кичиклиги ёки бойлигидан қатъи назар, ўз халқлари ва умуман сайёраимиз учун яхшироқ келажакни барпо этишда муҳим роль ўйнайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти янада хавфсиз ва барқарор истиқболни вужудга келтириш учун муҳим воситадир. Кейинги йилларда биз кўпгина ютуқларга, шу жумладан Мингйиллик тараққиёт мақсадларини қўллаб-қувватлаш йўлида глобал сафарбарликка эришдик. Шунга қарамай, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун 2015 йилгача ва ундан кейин ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Мамлакатингиз Ташкилот ишида фол қатнашиб келадиганлиги барча учун тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муштарак мақсадларимизни олға силжитишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак хурмат-эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Пан Ги МУН,
Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти Бош котиби

Куйидагилар ҳам ўз табрикномаларини йўллашган:

- Корея Республикаси Президенти **Пак Кин ХЭ**;
- Испания Қироли **Хуан КАРЛОС I**;
- Арманистон Республикаси Президенти **Серж САРГСЯН**;
- Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол СОНИЙ**;
- Яман Республикаси Президенти **Абду Раббу Мансур ХОДИ**;
- Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Абдул ҲАМИД**;
- Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти **Тейн СЕЙН**;
- Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси **Ким Ен НАМ**;
- Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Дмитрий МЕЗЕНЦЕВ**;
- БМТ Бош котибининг Махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий Маркази раҳбари **Мирослав ЕНЧА**;
- Туркистонликларнинг Америкадаги жамияти раиси **Абдулла ХУЖА**;
- «Сока Гаккай Интернейшнл» жамияти президенти **Дайсаку ИКЕДА**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҒИ

ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА 2 СЕНТЯБРЬ КУНИ «МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ» БИЛАН ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Президентимиз Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида юртимиз ёшларга қарата: «...Биз ўз олдимишга қўйган келажак буюқ давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайман, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман», — дея таъкиллади.

Юртбошимиз томонидан билдирилган бу юксак ишончга ҳамоҳанг равишда кунча мамлакатимиздаги барча таълим масканларида янги ўқув йили бошланиши ва «Билимлар кунини» муносабати билан мустақиллик дарслари ташкил этилди.

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбе-

кстон!» шиори остида байрам шукухи кезиб юрган айни дамларда бу бежиз эмас, албатта. Зеро, билим оламига илк қадам Она Ватани, Истиқлол бизга берган бебаҳо имкониятларни, истиқлолнинг истиқболли кунларини қалбан англашдан бошланади.

— Бугунги кунда мамлакатимизда

15730 та таълим муассасаси, жумладан, 9765 та умумтаълим мактаби, 4962 та мактабгача таълим муассасаси, 211 та «Баркамол авлод» болалар маркази, 299 та мусиқа ва санъат мактаби, 445 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 27 та Меҳрибонлик уйи, 16 та педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакаси-

ни ошириш институти, 5 та педагогика институти фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Баҳриддин Шайвалиев. — Жорий йилда ҳам янги мавсумга пухта тараддуд кўрилди. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида бажарилган ишлар натижасида таълим-тарбия муассасалари моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ўтган давр мобайнида республикамиздаги жами 9765 та мактабнинг 7515 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан 424 та янги мактаб қурилган бўлса, 3006 та мактаб реконструкция қилинди, 4085 та мактаб эса капитал таъмирланди.

Мавжуд таълим муассасалари сонига нисбатан физика лаборатория хоналари сони 7928 тага, кимё лаборатория хоналари 7928 тага, биология хоналари 7928 тага, спорт заллари 4675 тага етди.

2013-2014 ўқув йилида мамлакатимиз умумтаълим мактабларида тўрт ярим миллионга яқин ўқувчи таҳсил олади. Уларнинг беш юз минг нафардан зиёди мактаб оstonасига илк бор қадам қўйди. Анъанага кўра, уларнинг ҳар бирига Президентимиз совғалари тантанали равишда топширилди. Шунингдек, янги ўқув йили учун режалаштирилган 394 номдаги 22 миллион 535 минг нусха дарслик тўлиқ нашр этилиб, тарқатилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Фарғона Вилояти

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ СИФАТ



Фарғона шаҳридаги «Фарғона-Турон-Текстиль» корхонасида ишлаб чиқарилаётган ип-калаванинг сифати юксакиги боис, экспорт салоҳияти ошиб бормоқда.

520 ишчини бирлаштирган ушбу корхонада йил охиригача 9000 тонна пахтани қайта ишлаш, 8200 тонна ип-кавала ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Лекин ҳозирги иш унуми бу кўрсаткичга қараганда кўпроқ самарага эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Илгари «Фарғона-Турон-Текстиль» масъулияти чек-

ланган жамияти ўрнида «Фарғона текстил комбинати» фаолият кўрсатар, оддий, эскирган дастгоҳларда пахта калаваси ва ип ишлаб чиқарилар эди. Маҳсулот сифати талаб даражасидан паст, меҳнат сарфи анча юқори бўлганидан кейин таннарх ошиб кетган эди. Корхона 2005 йилга келиб, бутунлай банкротга уч-

рагач, «ноль» қийматда «Туронбанк» тасарруфига ўтказилди. Корхонани оёққа турғазини учун 38 миллиард сўм микдорда инвестиция киритилди.

— Ана шу маблагнинг 11 минг 900 еврога тенг қисми конвертация қилиниб, Германиянинг «Трушлер» фирмасидан энг янги замонавий дастгоҳлар олиб келиб



ўрнатилди, — деди МЧЖ ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Мухаммадjon Райимжонов. — Бу дастгоҳлар компьютерларда про-

граммалаштирилган ҳолда ишлатилапти. Иш жараёни бир-бирига боғланган. Пахтани титишдан тортиб ип-кавала ва йиғирув цехлари

хамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараён такомиллаштирилгани боис, маҳсулот сифати юксак, ишлаб чиқариш самарадорлиги эса ошмоқда.

Корхонада ишчиларга бепул тушлик ташкил этилган, цехларда қулайликларга эга бўлган дам олиш хоналари эса меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бераётир.

Иш бошлаганига энди саккиз ой бўлган бу корхонанинг ички имкониятлари кенгайтирилган сари аҳоли бандлигини таъминлаш, ишчи-хизматчиларнинг даромадларини тобора ошириш масалалари ҳам ўзининг ижобий ечимини топмоқда.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҒИ

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Юртдошларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрамини кўтаринки руҳда кутиб олишди. Байрамга туҳфа сифатида юртимизнинг барча худудларида янги-янги саноат корхоналари, таълим ва тиббий муассасалари, маданият ва спорт иншоотлари, савдо марказлари, турар-жойлар, йўллар, кўприклар барпо этилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Элликка қалъа туманидаги "Шарқ юлдузи" овул фуқаролар йиғинига қарашли Тупроққалъа ва Бўстон шаҳридаги Қаватқалъа маҳалларида, Навоий номидаги овул фуқаролар йиғини хуудуида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Сахтиён шаҳарчасида "Сухроб-Зоҳид" ишлаб чиқариш хусусий корхонаси, "Гулдурсин" овул фуқаролар йиғинида янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Бешарик туманида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Замоновий тиббий анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган шифо масканида эмлаш, физиотерапия, лаборатория, дезинфекция хоналари, болалар ва аёллар бўлими, дорихона сингари хизмат кўрсатиш тармоқлари мавжуд.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Чирчиқ шаҳрида Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг қалити топширилди. 50 хонадондан иборат турар-жой биносида яшаш учун барча шарт-шароитлар яратилган.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИда замоновий рақамли алоқа станциялари ишга туширилди. Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарлари ва Ховос, Бобёут, Мирзаобод туман марказларидаги эски алоқа станциялари ўрнига 32 дон "МСАН" электрон рақамли замоновий станциялар ўрнатилди. Янги станциялар ишга тушиши билан вилоятдаги олиталик телефон рақамлари халқаро стандартларга мос еттилик телефон рақамларига ўтказилди. Янги станциялар ишга тушиши муносабати билан миқозлар юқори тезликдаги интернет ва бошқа қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Фаллаорол туманида ишлатилган автомобиль шиналарини қайта ишлаб, резина гранулага айлантирадиган янги корхона иш бошлади. Лойиҳа қиймати қарийб 1,5 миллиард сўм бўлган ушбу корхона автомобилларнинг яроқсиз шиналаридан йилга 3 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқарилган маҳсулот спорт майдонлари устки копланаси, турли қоплама қошинлар, гиламчалар, резина қўшилаётган бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. "Алишер савдо инвест" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган корхонада 20 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди.

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ. Наманган шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида "Намимпекс-текстиль" корхонаси иш бошлади. Корхонада 200 нафарга яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди. Корхона таркибиде маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, тайёр трикотаж маҳсулотлари ва ип-кавала ишлаб чиқаришга мўлжалланган тармоқлар фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Олтинсой туманидаги тоғли Ховуз қишлоғида замоновий қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Янги қишлоқ врачлик пунктида болалар ва аёллар бўлими, физиотерапия, лаборатория, дезинфекция хоналари замоновий тиббий анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ. Навоий шаҳрида "Бахт уйи"нинг янги биноси фойдаланишга топширилди.



Замоновий андозлар асосида бунёд этилган муҳташам қоша шаҳарликларга ўзига хос байрам туҳфа бўлди. Бинонинг очилиш маросимида янги қўшалок оиланинг никоҳи қайд этилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Республика Пенсия жамғармасининг Хоразм вилояти бошқармаси ва Урганч шаҳар бўлими энг улуг, энг азиз байрам арафасида янги бинога қўчиб ўтди. Кўркам ва замоновий бинода барча қулайликлар яратилган. Сўнгги русумдаги компьютер техникалари билан таъминлангани, локал алоқа тармоғига улангани фуқароларнинг вақтини тежаш, уларга қисқа муддатларда хизмат кўрсатиш имконини беради.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.

(Боши 1-саҳифада)
Мамлакатимизда бугун ёшларимизга замоновий билим ва касб-хунарларни эгаллаш учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилгани боис, кўплаб ўғил-қизларимиз халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, фестивал ва кўрик-танловларда ўз иқтидор ҳамда салоҳиятини намойиш этиб, Ўзбекистонимиз шон-шухратини бутун дунёга тараннум этмоқда.
— Мактабимизда 1750 нафар ўқувчи таълим олади, — дейди пойтахтимиздаги 307-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори Светлана Бочкорёва. — Жорий ўқув йилида 248 нафар ўқувчилари 1-синфга қабул қилдик. 2008 йилдан мактабимизга ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби берилган. Бугунги кунда таълим масканида математика, инглиз тили, она тили фанлари чуқурлаштирилиб ўқитилмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ, янги ўқув йилидан бошлаб мактабимизда чет тиллари, хусусан, инглиз тили дарсла-

ри биринчи синфдан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ сабоқлари шаклида, иккинчи синфдан эса алифбе, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш орқали ўқитилади.
Таъкидлаш жоизки, ўтган ўқув йилининг энг муҳим воқеаларидан бири Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бўлди. Қисқа фурсатда ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида таълим тизимига муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, узлуқсиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, чет тилларни 1-синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш бўйича янги ўқув режаси тасдиқланди. 1-4-синфларда ҳафтага 2 соатдан чет тили дарслари ўтиладиган бўлди. Давлат таълим стандартлари асосида 1-9-синфлар учун инглиз, немис ва француз тилларидан ўқув дастурлари ҳамда дарсликлар яратилди. 1-синф учун дарс-

лик мажмуалари мамлакатимизнинг барча худудидеги белгиланган таълим мактабларида таълим синувдан ўтказилиб, тақлифлар ҳамда халқаро экспертлар фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилган ҳолда нашр этилди.
2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллар кабинетларини замоновий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашни жадаллаштириш дастурига асосан жорий йилда 2457 та бошланғич синфларни замоновий компьютерлар, 17 минг 222 бошланғич синфнинг DVD-магнитола ва ўқув-кўргазмалар қуроллари, 200 мактабни интернет алоқасига боғлаш билан таъминлаш режалаштирилган. 2013-2016 йилларда 17 минг 222 бошланғич ва 8735 юқори синф хоналари тегишли жиҳозлар билан таъминланди.
Жорий йилда янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида 1-синф ўқувчилари учун инглиз тили ("Kid's english"), немис тили ("Deutsch macht Spaß")

ва француз тили ("Hirondelle") дарслик-мажмуалар чоп этилди. Шу билан бирга, таълим тизимининг барча босқичида чет тилларни узлуқсиз ўрганишни ташкил этиш мақсадида чет тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг барча худудидеги 241 хорижий тиллар ўқитувчиларининг малакасини ошириш — Бугун юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг тафаккури бой, салоҳияти юксак, замоновий илму фаҳри синфларини қамол топиши учун шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишлариغا қўмақ бериш, таълим ва тарбиясини тўғри ташкил этиш зиммасига юкланган масъулиятли вазифадир. Шу боис, биз педагогларнинг ҳам ҳаяжонимиз ўқув-

чиларниқидан кам эмас.
Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамини юртдошларимиз байрам туҳфалари билан кутиб олди. Улар орасида кўплаб замоновий таълим муассасалари ҳам бор. Бу эса ёш авлод тарбиясига, уларнинг баркамол бўлиб воғга етишига яратилаётган заминдир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаёти-миз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жажон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб воғга етишига боғлиқдир.
Зеро, янги ўқув йили сабоғига чорлаган мактаб кўнғироғи ҳар бир ўғил-қиз қалбига катта ҳаётга улкан мақсадлар билан дадил қадам ташлашга ундовчи кўнғироқ бўлиб қолавереди.
Гулноза ТУРҒУНБЕКОВА,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

Навоий Вилояти

Навоий шаҳридаги «Nafis-BILLUR» МЧЖга қарашли «Nafis-TEXTILE» корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунда бу ерда коллежни битирган 8 нафар киз иш ўринларига эга бўлди.

ИХЧАМ КОРХОНАНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

— Асосан трикотаж мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 80 турдаги болалар ва катталар кийимлари тикилмоқда, — дейди корхона раҳбари Мавжуда Абдиева. — Жорий йилнинг май ойида Миллий банкнинг Навоий вилояти филиали томонидан берилган 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига дастгоҳлар олиб келдик. Ушбу замоновий дастгоҳлар ёрдамида бир кунда 100-150 та тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Маҳсулотларимиз вилоятимизнинг барча худудларидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда савдо нуқталарига буюртма асосида етказиб берилмоқда.
Азимжон ХУШВАҚТОВ

Тошкент Вилояти

ИМКОНИЯТ — ТАШАББУСГА ҚАНОТ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига асос солинган дастлабки йилларда отам, Ақром Мунавваров 17 гектар ер олиб, 100 бош қўй ва 20 қорамол боқа бошлади. Отамга хўжалик ишларида кўмаклашиб, фермерликнинг заҳматли, аммо шарафли иш эканини англаб етдим.



Фермерлик туфайли бугун қишлоқда обрўйимиз, ўрнимиз бор, оиламиз тўқ, рўзгоримиз бут. Мулк ўзимизники бўлгач, хўжаликнинг ташвишлари, шартномалар тузиш, маҳсулотни кимга сотиш — ҳаммасини ўзимиз ҳал қиламиз.
Давлатимиз раҳбари томонидан фермерларнинг яхши ишлаши ва яшаши учун яратилаётган кенг имкониятлардан баҳраманд бўлмоқдамиз. Бу менга ҳаётдаги йўлимни танлашмида ҳам муҳим омил бўлди. Тошкент давлат аграр университе-

тининг зоотехника факультетига ўқишга кирдим.
Ўқиш давомида чорвачилик соҳасидаги билимимни янада бойит-ташвишлари, шартномалар тузиш, паррандачилик ҳам тез самара берувчи йўналиш эканини англадик. Тошкент шаҳридаги «Ломан-Браун-надежда» корхонасидан 10 мингта қўй ва қорамол харид қилдик. Ҳозир хўжалигимизда тўрт минг товуқ, беш минг жўжа парваришланаётди. Аҳолига парҳезоб гўшт ва тухум етказиб бераётимиз. Оҳангарон шаҳридаги

савдо дўконимиз орқали ойига 100 минг донгача тухум сотмоқдамиз.
Отам фермер хўжалиги бошқарувини менга топширди. Ер, сув бор, техникамиз, ускунаимиз етарли. Қанча меҳнат қилсак, шунга яраша даромад оляпмиз. Ўтган йилги мавсумни тўқсон миллион сўм соф фойда билан яқунлаган эдик. Жорий йилда ундан ҳам юксак марраларни кўзлаб турибмиз.
Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари-

Сирғарё Вилояти

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

АҲИЛЛИКДАН БАРАКА ТОПАЁТГАНЛАР

Боёвут туманидаги Деҳқонobod қишлоқ фуқаролар йиғини хуудуида 4 та қишлоқ врачлик пункти, 3 та болалар боғчаси, 6 та умумтаълим мактаби, 1 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

— Маҳалламизда кексаларни қадрлаш, оила кўрғонини мустаҳкамлаш каби мавзуларда тез-тез суҳбатлар, ибратли оилалар хонадонларида учрашувлар олиб бораётганимиз ўғил-қизларимиз тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қаропчи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Ураэгул Маматова. — Тадбирларимизда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ходимлари, шифокорлар, меҳнат фахрийлари ва тадбиркорлар фаол иштирок этмоқдалар. Энди оила кўрган ёш оилалар бундай учрашув ва суҳбатлардан отахону онахонларимизнинг қўша қариб, саодатли яшаш тарзини ўрганиб олмақдалар.
Қишлоқ фуқаролар йиғини хуудуида кўчалар, йўлларни ободлаштириш, янги уй-жойлар қуриш, аҳолига сервис хизмати кўрсатишни кенгайтиришга тадбиркорлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Қаропчи, Умрзоқ-обод, Бекат маҳаллаларида тўлиқ автобус ва такси қатнови йўлга қўйилган. Бекат маҳалласида яшовчи тадбиркор Шукуржон Раҳмонбердиев бир неча йил олдин "Такси плюс Абдулазиз ҳамкор"

кичик корхонасини очиб, 2 та автобус, 2 та микроавтобус сотиб олган эди. Кейинчалик тадбиркор ўз фаолиятини кенгайтириб, яна 15 та "Матиз" енгил автомашинасини сотиб олди ва аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади.
Яхши тадбиркор ҳар доим эл хизматида бўлиб, доноларнинг ибратли ҳаётига ҳавас қилиб яшайди. Деҳқонobodлик тадбиркор Шукуржон Раҳмонбердиев Умрзоқ-обод маҳалласида ҳам аҳолига кенг миқосда хизмат кўрсатадиган савдо дўкони, сартарошхона ва уруғлик дўконини қуриб ишга туширди. Уруғчилик дўкони аҳоли талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб, аҳоли ва фермерларга сабзавот, полиз экинлари уруғлари, ҳатто ноёб Мирзачўл шўрхоқ худуд шариоитига мос келадиган мевали дарахт кўчатлари, хўжалик учун зарур кетмон, белкурак, ўроқча етказиб бераётди. Маҳаллаларда томоркалардан самарали фойдаланилаётгани сабабли дўконга келтирилаётган сабзавот, полиз экинлари уруғлари, хўжалик моллари бисёр.
Умрзоқ-обод маҳалласида яшовчи Умрзоқ хожи Хайдаров фарзандлари, невараларини ёнига олиб 20 сотихлик томорқасида алоҳида иссиқхона барпо этган. Муқобил печлар ёрдамида иситилган иссиқхонада помидор, бодринг, қовун-тарвуз етиштириб, бу



Қаропчи маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Ураэгул Маматова маҳалла фаоллари билан мулоқотда.

йил томорқасидан ҳозиргача 10 миллион сўм даромад олди. Учинчи бор экилган помидор, бодринг куз ойларидеги пишиб-етилса, оила томорқа-иссиқхонадан олаётган даромад яна 3-4 миллион сўмга кўпаяди.
— Қишлоқда мўъжазгина томорқа ҳам катта фойда келтиради, — дейди Умрзоқ-обод маҳалласида яшовчи миришкор Ахтам Тўракулов. — 20 сотихлик майдонда анорзор барпо этганмиз. Баҳорда кўчатларни очиб, кузда кўмишни машаққат демаса, анорчилик кони фойда. Ҳар йили анорзор боғимиздан 8-10 миллион сўм даромад қиламиз. Рўзгоримиз бут, оилада бирор нарсага муҳтожлик сезилмайди.

"Маъмур" фермер хўжалиғи раҳбари Эргаш Абдураулов Қаропчи маҳалласида яшовчи аҳолига арзон нарҳда сут ва гўшт етказиб бераётган бўлса, "Виктория Регия" фермер хўжалиғи бош-лиғи Қаршибой Эшназаров эса маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга 10 тонна бугдой тарқатди.
Қаропчи маҳалласида намунавий лойиҳалар асосидаги замоновий турар-жойларни қуриш изчил давом эттирилмоқда. Бу йилнинг декабрида, анорчилик кони фойда. Ҳар йили анорзор боғимиздан 8-10 миллион сўм даромад қиламиз. Рўзгоримиз бут, оилада бирор нарсага муҳтожлик сезилмайди.

пункти, 150 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилиши поёнига етказилаётди.
— Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш доимий эътиборимизда, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жўрабой Қўлдошев. — Бекат маҳалласида ишга тушган қўша корхонада 40 нафар ўғил-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. "Сирдарё Оқолтин тола", Боёвут туманлараро ўғит тарқатиш, аҳолига кўмир сотиш базалари ва янги турар-жойлар барпо этилаётган ишторлар-массивларда ҳам 70 дан ошиқ ёшларимиз меҳнат қилишаётди.
Бозорбой БЕКМУРDOV,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

2013 йил 3 сентябрь

Андижон Вилояти

ҲАР ОДИМДА ОБОДЛИК НАМОЁН

ШИРМОНБУЛОҚЛИКЛАР ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР

Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоғининг таърифини эшитмаган юртдошларимиз бўлмаса керак. Таниқли ёзувчи ва журналист Рустам Раҳмон ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевага бешик бўлган ушбу қишлоқ табиаи шу қадар гўзал ва сўлим-ки, баҳордан то кеч кузгача меҳмонлар билан гавжум бўлади. Қишлоққа кўрк бериб турадиган Чилустун тоғининг икки томонидан Жанубий Фарғона канали ҳамда Олой тизмаларидаги музлик ва булоқлардан тўйнадиган Аравонсой оқиб ўтади. Ушбу қишлоқ одамларининг меҳнатда, бунёдкорликда ва маънавий ҳаётда пешқадам эканликларига ҳавас қилувчилар бисёр.



Урганишлар, олинган хулосалар ва таҳлиллар ҳосиласи шу бўлдики, “Ширмонбулоқ” насос станцияси қувватини кўтариш, тоғнинг энг баланд қисмида ҳовуз барпо этиш ва ундан Аравонсой томон қувур тортиш мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди. Шундан сўнг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан асосланган лойиҳа маъқулланди ва икки

нашган тажрибали монтажчилар, пайвандчилар, механизаторлар ташкил этди. Иш бошқарувчи Мақсуд Солиев билан тоғ оралаб кўп йўлни босиб ўтди. Виктор Лучников, Йўлдошбой Рўзиев, Абдусаттор Абдулазизов, Махаммадамин Қосимов сингари кўлигул усталар, пайвандчилар ва механизаторлар меҳнати билан қисқа муддатда 1 миллиард 225 миллион сўм капитал маблаг ўзлаштирилди. 2-сон қурилаётган корхоналар дирекцияси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ҳабибулло Жабарқулловнинг таъкидлашича, ишда нуқсонга умуман йўл қўйилмади.

Насос станциясидан тоғ тепасигача 270 метр бўлган диаметри 800 миллиметрли қувур тортишнинг ўзи мўъжиза бўлди. Тошнинг йўниб ҳовуз қуришнинг ўзи ҳам осон кечмади. Ҳовуздан диаметри 377 миллиметрли 754 метр масофага қувур тортиш, ҳар жойга сув чиқариб берадиган тақсимлаш пунктлари яхлит тарзда барпо этилди. Қурувчилар олдиға галла оммавий тарзда сугориши бошлангунга қадар объектни ишга тушириш вазифаси юклатилган эди. Бу вазифа шу қадар самарали ижро топдики, бугун фермерларнинг димоғи чоғ. Дон тайёрлаш шартнома режаларини баҳара олмаётган фермерлар жорий йилда катта муваффақиятларга эришди.

— Даламизга сув келиши билан бўғдойларимиз ҳосили зўр бўлди, мана, роҳатини кўряпмиз, — дейди “Ширмонбулоқ Сайфиддин дури” фермер ҳўжалиғи сувчиси Алижон Шерматов. — Сўнгги йилларда биринчи марта бу йил ҳонадонимизга икки тонна бўғдой тўқилди. Мен билан бирға ишлаётган барча сувчилар ҳам ўртача икки тоннадан галла олишди. Ҳўзамизга қаранг, ўтган йилнинг

мои тўхтаб қолибди. Жанубий Фарғона каналидан сув оладиган насос эса эскириб, ҳатто қишлоқ фахри бўлган тошдаги боғни сугоришга ҳам ярамай қолибди. Тоғнинг ёнбағридан бошланиб, то Аравонсойга туташиб кетган 824 гектар дала, 200 га яқин ҳонадон ҳам сув танқислиғига рўпара кела бошлади.

Бу ерда фаолият олиб бораётган фермерларнинг ишида эса унумдорлик орқаға кетиш ҳолатлари юз бера бошлади. Хуллас, ширмонбулоқликлар машҳур боғ ва кўпчилик учун ризқ-насиба бераётган дала ҳақида қайғура бошлади. Мутасадди идоралар масалани атрофлича ўрганиб чиқиш

шиб, Жанубий Фарғона каналининг нишоб жойидан қувур орқали сув олиш мумкин, деган хулоса беришди. Каналдан Аравонсой томон тортилган қувур ҳолатини бир қадар юмшатган бўлса-да, муаммони тўла бартараф эти олмади. Вилоят микросидаги йиғилишларнинг бирида айни Ширмонбулоқ қишлоғидаги сув билан боғлиқ муаммо ҳақида фермерлар ҳам сўз очмишди. Шундан сўнг сув ҳўжалиғи ходимлари олдиға масалани жиддий тарзда кўриб чиқиш вазифаси қўйилди.

босқичда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун 2 миллиард сўмдан зиёд капитал маблаг ажратилди.

Қурилиш-монтаж ишларини олиб борувчи пудратчини аниқлаш мақсадида тендер ўтказилди. Тендерда Николай Селиверстов раҳбарлик қилаётган “Гидромакс-сурсмонтж” МЧЖ жамоаси ғолиб бўлди. Ушбу меҳнат жамоаси аъзоларини Андижон сув омбори қурилишида иштирок этган, сўнгра бир қатор муҳим сув ҳўжалиғи объектларини барпо этишда қат-



нашган тажрибали монтажчилар, пайвандчилар, механизаторлар ташкил этди. Иш бошқарувчи Мақсуд Солиев билан тоғ оралаб кўп йўлни босиб ўтди. Виктор Лучников, Йўлдошбой Рўзиев, Абдусаттор Абдулазизов, Махаммадамин Қосимов сингари кўлигул усталар, пайвандчилар ва механизаторлар меҳнати билан қисқа муддатда 1 миллиард 225 миллион сўм капитал маблаг ўзлаштирилди. 2-сон қурилаётган корхоналар дирекцияси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ҳабибулло Жабарқулловнинг таъкидлашича, ишда нуқсонга умуман йўл қўйилмади.

Насос станциясидан тоғ тепасигача 270 метр бўлган диаметри 800 миллиметрли қувур тортишнинг ўзи мўъжиза бўлди. Тошнинг йўниб ҳовуз қуришнинг ўзи ҳам осон кечмади. Ҳовуздан диаметри 377 миллиметрли 754 метр масофага қувур тортиш, ҳар жойга сув чиқариб берадиган тақсимлаш пунктлари яхлит тарзда барпо этилди. Қурувчилар олдиға галла оммавий тарзда сугориши бошлангунга қадар объектни ишга тушириш вазифаси юклатилган эди. Бу вазифа шу қадар самарали ижро топдики, бугун фермерларнинг димоғи чоғ. Дон тайёрлаш шартнома режаларини баҳара олмаётган фермерлар жорий йилда катта муваффақиятларга эришди.

— Даламизга сув келиши билан бўғдойларимиз ҳосили зўр бўлди, мана, роҳатини кўряпмиз, — дейди “Ширмонбулоқ Сайфиддин дури” фермер ҳўжалиғи сувчиси Алижон Шерматов. — Сўнгги йилларда биринчи марта бу йил ҳонадонимизга икки тонна бўғдой тўқилди. Мен билан бирға ишлаётган барча сувчилар ҳам ўртача икки тоннадан галла олишди. Ҳўзамизга қаранг, ўтган йилнинг

айни шу кунига қиёслайдиган бўлсақ, ишимиз тенга-тенг яхши томонга ўзгарди. Мана энди биз ҳам ҳеч иккиланмай 40 центнерчилар сағига киришга даъвогарлик қилаверамиз.

Чилустун тоғи айланаси бўйлаб барпо этилган мевали боғлар ҳосили ҳам яхши бўлибди, мевали даракларда эгилмаган шохнинг ўзи йўқ. Дилоромхон Мадазимовга қарашли боғ манзараси ҳар қандай одамни беихтиёр ўзига торта олади. Опанинг айтишича, олма ҳосили кўп, боғбонлар уларни сақлашга жой тайёрлашпти.

...Таърифи узоқларга кетган боғда яна яшарли даври бошланди. Қуриб қолиш арафасидаги дов-дахтлар барг ёзди. Ҳовуздан олинмаётган сув 100 гектарлик майдонни тўла қамраб олди. Дам олувчи қўлиғидан тоғнинг ўрта ва қуйи қисмида янги дам олиш масканлари барпо этилмоқда. Ана шундай масканлардан бирини тадбиркор Абдураҳмон Исоқов барпо этмоқда. У ҳам Жанубий Фарғона канали ва Чилустун тоғи оралмида қишлоққа обрў-этибор олиб келадиган бир-бирдан чиройли табиий боғ, ҳовуз, чойхона ва бошқа хизмат кўрсатадиган мажмуа қуриштириш, ҳозирданок дам олувчилар бу ерга кела бошлашди.

— Ҳадемай “Ширмонбулоқ” насос станцияси ва сув етказиб борувчи иншоотларни барпо этишнинг иккинчи босқичи бошланди, — дейди 2-сон қурилаётган корхоналар дирекцияси раҳбари Мадамжон Қурбанов. — 2014 йил вегетация даврида қишлоқнинг энг охири жойи бўлмиш Аравонсой ҳудудига секундига 750 литр сув етказиб бериш имконияти юзага келди.

Қачон Ширмонбулоққа йўлимиз тушса, албатта, бир янгликка гувоҳ бўлаверамиз. Мустақиллик байрами шодиёнаси кунларида ўндан зиёд юртдошимиз Обод турмуш йилида намунали уйларга кўчиб ўтишди. Ҳамон эл тилида номи такрор-такрор тилға олинмаган Назиржон Сулаймоновнинг фарзанди Ҳабибулло биз учун тамомла янги мева — қиви парварари қилишни йўлга қўйди. У бу йил учинчи мавсум ҳосилини йиғиштириб олади.

Вилоятнинг энг жанубида жойлашган, ўз қишлоғининг мўъжизагина тоғи борлиғидан ҳаммиша фахрланидиган ширмонбулоқликлар барчамиз учун азиз бўлган Истиклол айёмини хушнудлик билан кутиб олдилар. Қишлоққа келсангиз ва одамлар билан дийдорлашиб гурунға киришсангиз, бунинг шукуҳини янада чуқурроқ ҳис этасиз.

Қобилжон АСКАРОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

Қашқароё Вилояти

Сув – бебаҳо неъмат, ҳаёт манбаи. Унинг бебаҳолиғи шундаки, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки бошқа кўплаб табиий ресурслар ўрнини уларнинг муқобили билан босиш мумкин. Бироқ сув – бебаҳо ва унинг муқобили йўқ. Бўлмайдими ҳам. Шу боис, сув ва сув манбаларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш муаммоси башариат учун тобора глобал аҳамият касб этиб бораётир.

МУҚОБИЛИ ЙЎҚ БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ундан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда сувдан тежамкорлик билан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Яъни мамлакатимизда истиқлол йилларида сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Шулارға асосан сув ҳўжалиғи тизимида изчил ислохотлар амалға оширилмоқда. Хусусан, сугориш тизими тобора такомиллаштирилиб, соҳада тежамкор янги технологиялар татбиқ этилмоқда. Сув иншоотлари ва насослар қайта таъмирланиб, замон талабларига мослаштириляётир. Булар ҳақида гапирганда, кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалиғида жаҳон тажрибасига асосланган томчиляти сугориш усули жорий этилганини ва бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш чоралари қўриляётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда вилоятимиздаги бир қатор худудларда гўза майдонлари ва боғларни ана шу усулда сугориш тизими йўлга қўйилган.

Ушбу усул орқали нафақат кам меҳнат ва сарф-ҳаражат қилиб, балки оз сув билан одатдагидан анча юқори ҳосил етиштириш мумкинлиғи исботини топмоқда. Шунингдек, бу усулда гўза етиштирилган майдонларда сув, ёнилға ва чигит тежалади. Гўзанинг биологик пишиши 20 кунға тезлашади. Минерал ўғитлар иқтисод қилинади. Энг муҳими, ўсимликка сувнинг қувурлар воситасида етказиб берилиши сугориш ва озиклантириш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш имконини беради.

Сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш бора-бора босқичлар билан қатор ишлар амалға оширилиб, сугориш тизими такомиллаштирилиб борилмоқда. Натияжада фермер ҳўжалиқлари ўз вақтида обиҳаёт билан таъминлянапти. Айни пайтда босқичларимизга 218 минг гектар ерга сув етказиб бериш вазифаси қўйилган бўлиб, Қарши, Нишон, Касби, Косон ва Муборак туманларидаги 68 та сув истеъмолчилари уюммаси ҳудудида жойлашган фермер ҳўжалиқларини обиҳаёт билан таъминляимиз. Бунинг учун иқтиёримизда 569,5 километр магистрал ва ҳўжалиқларора каналлар мавжуд. Босқичма тасарруфидаги жами иншоотлар сони 1174 тани ташкил этади. Сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳақида уни иқтисод қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунға кўра олиб бораётган ишларимиз ўз натижасини беряпти, албатта. 2012-2013 йиллар мобайнида юзлаб километр катта-кичик сув иншоотларининг ўз вақтида сифатли таъмирлангани ҳам ишимизда анча кўл келяпти. Сувдан оқилона фойдаланиш ва уни истеъмолчиларға етказиб беришда Эркин Рўзиев, Юлдуз Нарзуллаева, Анвар Бобоназаров, Ғайрат Умиров ва Фулом Мирзаев каби ишчиларимиз босқичларға ўрнат қўлишмоқда.

Ишчи-хизматчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи ҳўжалик ташкил этганмиз. 37,8 гектар ердаги галладан мўл ҳосил олинди. Етиштирилган савзавот, полиз маҳсулотлари ва мевалар ишчи-хизматчиларға тарқатилмоқда. Чорвачилик, паррандачилик ва баликчилик тармоқлари ҳам ривожлантирилмоқда.

Мухтасар айтганда, муҳандис-техниклару ишчи-хизматчилар бебаҳо неъмат – сувдан оқилона фойдаланиш, унинг заррасини ҳам исроф қилмай истеъмолчиларға етказиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Ва босқичларни ҳам шунға ундамоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунида сув давлат мулки ва умуммиллий бойлик ҳисобланиб, сув давлат томонидан қўриқиланади, деб алоҳида белгилаб қўйилган. Демак, сувнинг қадриға етиш, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик барчамизнинг бурчимиздир.

Аброр ТўЛАНОВ, Қарши магистрал канали ирригация тизими босқичрамаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллик байрами шукуҳи қалбларимизни нураршон этиб турган шу кунларда барча юртдошларимизга эзгу тилақларимизни изҳор қиламиз. Уларға мустаҳкам сиҳат-саломатлик, келгуси ишларида омад, ҳонадонларига тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларига мўл-кўлчилик тилаймиз.

Шарафқиметини оидин йўлдан собити қадамлар билан бораётган Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги шўфрати ошаверини, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Заннота туманидаги «Тошкент агросаноат» корхонаси жамоаси

Эълолар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!
ДТ «ХАЛҚ БАНКИ» АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ИНШОТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Буюртмачи: ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиали.
(Андижон шаҳар Олтинкўл кўчаси 3-уй, Тел: (998 74) 223-90-32, 223-90-35)
Андижон шаҳридаги ДТ «Халқ банки» вилоят филиали биносини капитал реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **1.751.169.470 сўм.**
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **1.459.307.892 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **143 кун.**
Молиялаштириш манбаси: буюртмачининг ўз маблаглари ҳисобидан.
Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган объектларда танлов савдолари (тендер)ларни ўтказишда, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эға ҳисобланади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларға: танлов савдолари предметининг 20

фоизи микдоридиға айланма маблагларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришға банк кафолатномасига, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлиғига, етарли касбий ва техникавий малакаға, молиявий имкониятларға, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларға эға ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.
Маҳаллий ва хоржий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларға қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобға олинади. Қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортға етказиб берилладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг тақлифларини баҳолашда

кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобға олинади.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эға бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказиға** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўча, 59-уй, тел.факс: 226-72-02.
Бир тўплам танлов ҳужжатларини нархи: 70 000 сўм.
Тақлифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Тақлифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишнинг охириги муддати офёрталар очилиш куну ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЯНГИЕР ШАҲАР «ҚАЛДИРҒОЧ» НОМИДАГИ 5-СОНИ БОҒЧА 2013 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Янгиер шаҳридаги «Қалдирғоч» номи 5-сонли боғчининг маъмурий биносини капитал таъмирлаш.
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **118 474 494 сўм.**
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚСсиз – **98 728 745 сўм.**
Қурилиш муддати – **60 кун.**
Қурилиш ишларини молиялаштириш: Маҳаллий бюджет ҳисобидан
Буюртмачининг манзили: Янгиер шаҳар Жўрабоев кўчаси 10-уй. Тел: 8 (367) 350-51-20.
Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларға мос келишлари керак: ҳисоб-рақамда танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % микдоридиға бўш айланма маблаглари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблагға банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиғи,

етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларға, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларға эға, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиғи бўлиши шарт.
Танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият бериллади.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳолаганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов широкчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунға мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб

ҳисобланган ҳолда баҳоланади.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эға бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказиға** қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тел (факс): (8 367) 227-64-42.
Бир тўплам танлов ҳужжатининг нархи – 79 568 сўм.
Тақлифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишнинг охириги муддати – офёрталар очилиш куну ва соати.
Танлов савдолари Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биносидиға бўлиб ўтади.
Тақлифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Сурхондарё Вилояти

Табиатнинг жонли музейи

Термиз ҳайвонот боғини табиатнинг жонли музейи десак муболага бўлмайди. Ушбу масканда ҳозирда 141 турдаги 382 та жонивор ва паррандалар мавжуд.

– Боғимиздаги жонзотларнинг қарийб 80 фоизи халқаро ва республикамиз “Қизил китоб”ига киритилган, – дейди Термиз ҳайвонот боғи директори Баҳодир Тошбоев. – Шу боис, ҳар бир ҳайвонга табиий

ий тўқайзор, тоғу тошлар, аквариум, тоза ва кенг майдончалар барпо қилинганнинг гувоҳи бўлдик. Масалан, ватани Шимолий Африка бўлган ёлдор куй, шер, кўнғир айиқ учун ўзига хос шароит яратил-



Дарвоқе, ўтган йили боғда Африка шер, амир йўлбарси, кўнғир айиқ ва преживальский отини кўпайтиришга эришилганди. Яқинда эса тоғ бўриси ва шерлар оиласи сафи яна учтага кўпайди. Шунингдек, чиябўри, маймун ва жайралар оиласи ҳам бир бошга ошганлиги бу ерга ташриф буюрган болажонлар қувончига қувонч қўшмоқда. Ҳайвонот боғи каттаю кичик томошабинлар билан бирдек гавжум. Хусусан, 2012 йилда бу ерга 30 минг нафарга яқин томошабин ташриф буюрган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг етти ойи мобайнида 25 минг нафардан ошган.

– Асосан йиртқин ҳайвонларни овқатлантириш, парвариш, хоналарини тозалаш билан шуғулланаман, – дейди ходима Дилбар Йўлдошева. – Бу юмушим менга жуда ёқади. Шу боисданми, уйдаги сизир, куй-кўзиларга қарашдан кўра лақаби Симба, Тер ва Миз, Гита ва Зита каби эгизак

шер ҳамда йўлбарсчаларга қараш менга осонроқдек туюлади.

Сирасини айтганда, турли жонзотлардан ташқари, аттракцион ўйинлар ташкил этилган ушбу ҳайвонот боғига келган ҳар бир кишининг чарчоғи тезда чиқиб, вақти чоғ ўтиши шубҳасиз.

Чори ЖУМАКУЛОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.



шароит яратишга ва уларни тўғри парвариш қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Бунинг самараси ўларок, уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ҳайвонот боғини айланар эканмиз, ҳар бир кўш, жониворнинг ашаш шароитидан келиб чиққан ҳолда масканда бўлинмалар, сув ҳавзаси, мўъжазгина сунъ-

ган бўлса, асли юрти Ҳимолой, Помир тоғу чўллари бўлган йўлбарс, туяқуш, қора қалхат каби жонзотлар учун айрича махсус ин-жойлар қурилган. Уларни вақти-вақти билан кўриқдан ўтказиш учун эса 20 гектар боғда ветеринария клиникаси, бактериология ва биокимё лабораториялари мунтазам ишлаб турибди.



Азиз юрtpдошлар!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигинини 22 йиллик байрами билан самимий мубораққод этамиз. Ғалла, пахта ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтиришга, эл-юрт фаровонлигини оширишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимизни жамоамизни руҳлантирмоқда. Байрам шукри қалбларга қувонч бағишлаган буғунги кунларда бағлага мустаҳкам сижат-саломатлик, хонадонларига пинҳонлик-хотиржамлик, кўзлаган мақсадларига эришиш йўлида омад тилаймиз.

Юқори Чирчиқ туманидаги «KAVSAR ZAMIN OMAD» фермер хўжалиги жамоаси

○ Реклама ва эълонлар

ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ 2014-2015 ЎҚУВ ЙИЛИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ТЕСТ СИНОВЛАРИ АСОСИДА КИРИШ УЧУН 2013 ЙИЛ 2 ОКТЯБРДАН БОШЛАНДИГАН 10 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент давлат аграр университетининг пуллик тайёрлов курси тингловчиларни математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовлари топширишга тайёрлайди. Тингловчиларнинг ўқиши, овқатланиши, даволаниши ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Ўқиш учун эса 1 ойга 170 000 (бир юз етмиш минг) сўм пул тўланади. Тингловчилар турар жой билан таъминландилар.

Харбий хизматни ўтаб, йўланма билан келган ёшлар ҳамда “Меҳрибонлик уйлари” битирувчилари текин ўқитилади ва давлат томонидан берилган барча имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Тингловчиларнинг олган билимлари (ўзлаштиришлари) ҳар ой охирида тест синовлари ўтказиш йўли билан аниқланади. Тайёрлов курсини муваффақиятли тугатган тингловчилар давлат гранти асосида ўқишга киришлари учун етарли билимга эга бўладилар.

Ўқиш 2013 йил 2 октябрдан бошланади. Хўжатлар “Тайёрлов курси” қўш биносининг 2-қават 3-хонасида қабул қилинмоқда. Тайёрлов курсига кирувчилар куйидаги хўжатларни топширишлари керак:

1. Ариза
2. 3x4 ўлчамли 2 донга фотосурат
3. Аттестат ёки паспорт нусхаси

Мурожаат учун телефон: 8-371-260-48-49.
Манзил: 6, 17, 19, 83, 96, 115, 129, 149, 491-автобусларнинг “Университет” бекети.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШКОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

BT-150, BT-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ

- Тракторлар, турли серияда 60 дан – 600 от кучига.
- Комбайнлар
- Пресс-подборщиклар
- Омочлар
- Пуркагичлар
- Косилкалар
- Бороналар
- Культиваторлар
- Минерал ўғит сочадиган мосламалар

Ўзбекистон Республикаси бўйича сервис хизмати кўрсатилади.
Қафолат муддати 1 йил.

JOHN DEERE

Тел: (998 71) 241-02-29, (998 90) 326-81-11
Сайт: www.agtech-ag.uz e-mail: info@agtech.uz
Хизматлар лицензияланган.

Паррандачилик фермалари (фабрикалари), балиқчилик хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва омихта ем ишлаб чиқарувчи ташиқлотлар раҳбарлари диққатингиз!

Куйидагиларни сотамиз:

- Суяк ва гўшти суяк уни (товуқ учун).
- Натрий гипохлорит (суяқ ҳолатда) ва кальций кукуни.
- Пойдеворда ва том ёпишда қўлланиладиган муҳофазаловчи материал – полиизол (фольгоизол).
- Кир ювиш кукуни, идиш-товоқ ювиш учун гел.

«ODDE-AG» моб. +99890 925-99-40 Факс: +99871 120-70-30
Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тел. +99871 279-40-30 E-mail: odde@mail.ru

“VITA DE FRUITA” МЧЖга тегишли бурчак штапи йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент вилоят. Зангиота т. ҳокимлиги хузуридаги ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган “JALLOVA GULIDA TASHPULATOVNA” яқна тартибдаги тадбиркорнинг думалоқ муҳри ва бурчак штапи йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҲИда (11.04.2011 й., реестр № 0113058) рўйхатдан ўтган яқна тартибдаги тадбиркор Расуллоев Улуғбек Нурсатиллаевичга (ИНН 480808927) тегишли думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

АГРОТЕХНИКА

~ Беларус 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025

Бог ва ферма учун тракторлар

Гусеница тракторлар

Прессподборщик

Ўзапоё ўрадиган комбайн

Ўт ўрадиган комбайн

Мақка ўрадиган комбайн

Жўхори йиғувчи комбайн

Косилка КИР 1,5

Сомон йиғувчи мосламалар

Картошка терадиган комбайн

Картошка экадиган комбайн

Бугдой экадиган саялка

Пахта экадиган саялка

Дори сепадиган мосламалар

Сачратиб сугорувчи мосламалар

Ем майдалаб тарқатувчи техника

Культиваторлар

Плуг, айланма плуг, дискали плуг (+99871) 150-58-58

Чизель, борона 150-68-68

Экскаватор погрузчик, бульдозер

Траншеекопатель, ямбур

Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz

SN INVEST Махсулот сертификатланган Буюртма асосида

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф
- Асфальтторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам “Беларусь”
- Шины различных моделей

махсулот сертификатланган

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

ООО “НИХОЛ MUSLIM BIZNES” предоставляет:

- ▶ строительные, ремонтные и монтажные услуги;
- ▶ строительство домов;
- ▶ оптовая торговля по перечислению строительными материалами:

+99894 680-57-60, +99894 918-91-78.

Услуги лицензированы.

Адвокатское бюро “ADVOKAT BOTOIROV NARZULLO” (ИНН 207127273) зарегистрированное в управлении городской Юстиции г. Ташкента (реестр № 464, 30.06.2011 г.) на основании решения № 2 от 02.09.2013 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по адресу: г. Ташкент Чиланзарской р-н ул. Домбракд 4-проезд, 16/1.

<p>Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-тоқмоқчилик тартибдаги ҳамда шу тармоққа доғдир вазирлик ва идоралар.</p>	<p>ТАХИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Соҳижон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Аява ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2010-7023</p>	<p>Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Иқтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-44-43, Факс – 233-44-43, 233-09-93.</p> <p>ХУДУДЛАРДАГИ МУҲБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.</p>	<p>Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: С.САЙДИСЛОМОВ Мусаҳҳис: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА</p>		
Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.	Буюртма Г-914, ҳажми 2 босма табоқ.	Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.	Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.35 15633 нусхада босилди. Нашр индекси – 144	Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	E-mail: info@qishloqhayoti.uz	Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.	“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.	1 2 3 4 5